



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 1 август, № 148 (6078)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 1 сентябидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 1 сентябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 107 635 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 210 525 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 210 525 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 129 180 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 1 сентябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим машошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 1 сентябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги ПФ-4582-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 1 сентябидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 31 июль

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 31 июль кунини Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, энергетика, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, автомобилсозлик, темир йўл, боғжона, маданият ва спорт каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган кели-

шувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил октябрь ойида Туркменистонга расмий ташрифи ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг 2013 йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ҳамда компаниялари раҳбарлики жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва хар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида изчил тараққий этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда пахтачиликнинг ўрни гоятда катта. Зеро, заминимизда етиштирилаётган пахта ҳосили эвазига юртимизда фаолият юритаётган саноат қорхоналари юқори сифатли хом ашё билан таъминланиб, ундан пахта толаси, калава ип,

тўқимачилик маҳсулотлари, ёғ, совун, кунжара каби 25 дан зиёд турдаги маҳсулот олинади. Пахта толасини экспорт қилиш ҳисобидан келадиган валюта маблағлари эса халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилиш йўлидаги эзгу мақсад ҳамда вазифалар рўёбини таъминлашда катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.



МАВСУМ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида пахтачилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга бўлган ёндашув бутунлай ўзгарди. Натижада ҳосилдорлик йил сайин ошиб, сифат кўрсаткичлари тобора яхшиланаяпти. Бунда деҳқон ва фермерларнинг меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, уруғлик, минерал ўғит, ёнигли-мойлаш материаллари дала бошига етказиб берилётгани, энг асосийси, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос навлар экилаётгани муҳим омил бўлаётди. Бу йил ҳам асосий майдонларда эрта ва ўртапишар, касаллик ҳамда зарарку-

нандаларга чидамли, экстремал об-ҳаво шароитларига мослашувчан, шунингдек, юқори сифатли тола берадиган гўза навлари парваришланмоқда.

Кувонарли жиҳати, 2014 йил пахтачилик учун жуда қулай келди. Кўклам об-ҳавосининг нисбатан илқ бўлиши туфайли экин-тикин ишларига барвақт киришилди. Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилиб, уруғ бехато ундириб олинди. Пировадидида экин ривожининг барвақт бўлиши таъминланди.

Маълумки, август, деҳқончилик тақвимида кўра, асад ойига тўғри келади. Халқимизнинг “Асад — экиннинг яса” деган ажойиб мақолидан ҳам англаш мумкинки, гўза парваришидаги энг масъулия, касаллик ҳамда зарарку-

ланди. Бу даврда бажариладиган агротехника тадбирларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, уларни бекаму кўст адо этиш, экинни чин маънода “ясатиш” керак. Зеро, “Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр” эканлигини тажрибали деҳқонлар яхши билишади.

Серкўёш юртимизда меъёрдаги фойдали иссиқликни олаётган ниҳоллар кун сайин, таъбир жоиз бўлса, соат сайин ўсмоқда: шоналар гулларга, гуллар кўсақларга айланмоқда. Айни пайтда республикамиз далаларида ҳар түп гўзада ўртача 5-6 та, айрим илғор фермер хўжалиқлари пайкалларида эса 7-8 тадан бўлиқ кўсақ мавжуд. Уларни сақлаб қолиш ва ёнига кўсақ қўшиш шу кунлардаги фидокорона меҳнатга боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, ҳосил қўғи салмоқли, сифатли ва эртанги бўлишини истаган қишлоқ меҳнатқашлари, фермерлар борки, ой давомида гўзани вақтида суғориш, сифатли культивация қилиш, чилпишни кечиктирмаслик, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларга қарши вақтида ишлов бериш пайидан бўладилар. Масалан, чилпиш — мўл ҳосил гарови эканлигини яхши англаган юртимиз деҳқонлари ҳозирги кунгача асосий майдонларда мазкур тадбирни яқунладилар. Натижада гўза бўйига эмас, энгача ўса бошлади. Бошқача айтганда, ҳосил элементларининг шаклланиши тезлашиб, шона, гул ва тугунчалар ривожини кучайди.

Тажрибадан маълумки, тўғри

ва сифатли чилпиш қилинган гўзаларда ҳосил элементларининг ривожланиши 7-8 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик гектарига 3-5 центнердан 8 центнергача ошади. Шу боис тажрибали деҳқонлар ҳосил тақдирини ҳал бўладиган ушбу ойда қатор оралаб юриб, ён шохларни чилпиш билан бирга, гўзаларни “варақлайдилар”. Бу тадбир билан улар, аввало, даланинг қайси жойида аҳвол қандайлигини аниқлайдилар ва навбатдаги юмушларни белгилаб оладилар. Иккинчидан, “варақлаш” орқали экин бағрига шабада югуртириб, ҳосил элементларининг димиқ-маслиғига эришган ҳолда, унинг баракасини таъминлайдилар.

(Давоми 2-бетда).

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР Ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади

Бугун “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида тайёрланаётган маҳсулотларнинг хорижда ҳам харидорлари кўп. Маҳаллий тадбиркорларимиз бунинг мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, соҳа вакиллари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ҳамда саноат тармоқларига илғор технологиялар кенг жорий этилаётгани билан изоҳлайдилар.

ЖАРАЁН

Бундан тўрт йил муқаддам Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида тадбиркор Шоирахон Исроилова томонидан ташкил этилган “UPM Textile” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай беқиёс имкониятлар туфайли ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораёпти. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган 30 турдаги сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларга нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорда ҳам талаб юқори. 2013 йилда жамиятнинг экспорт ҳажми 550 минг АҚШ долларини ташкил қилган ҳамда мазкур кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 450 минг долларга етказилган ҳам бунинг яққол исботидир.



дан лизинг асосида 230 минг долларлик тўқув дастгоҳлари келтирилди. Уларни бошқариш учун 20 нафар мутахассис ишга олинди. Бинобарин, калава илдан қорхонанинг ўзида мато тўқилиши ҳисобига маҳсулот таннархи пасайтирилди. Жорий йилда эса жамоа сафига яна 25 нафар коллеж битирувчиси

қўшилиши билан ишчилар сони юз нафардан ошди. Эътиборлиси, вилоятда “UPM Textile” каби ўнлаб йирик ҳамда юзлаб кичик қорхоналар фаолият кўрсатмоқдаки, уларнинг моддий-техник базаси, иқтисодий салоҳияти кун сайин юксалиб бораётди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Британия — Ўзбекистон жамияти президенти, Буюк Британия парламенти Лордлар палатасининг аъзоси Фредерик Понсонби ўзбек халқини тобора яқинлашиб келаётган кутлуғ шодиёна — Ўзбекистон Республикаси Муқталиб байрами билан табриклади. Ушбу айём муносабати билан берган интервьюси чоғида Ф. Понсонби республикамиз аҳолисига ўзининг энг эзгу тилақларини изҳор этди.

Британия — Ўзбекистон жамиятининг президенти:

«Ўзбекистон — бой тарихга эга бўлган ёш мамлакат»

— Ўзбекистон ўзининг 23 йиллик суверен тараққиёти мобайнида ўзоқ йўлни босиб ўтди, — деди у. — Бой тарих ва меросга эга бўлган ёш мамлакат кўпгина миллатлар ҳамда динларнинг вакиллари учун ватан ҳисобланадики, улар бир-бири билан тўла уйғунликда яшашмоқда.

Ўз чегаралари яқинида оддий бўлмаган вазият мавжуд бўлишига қарамастан, мамлакатингиз бугунги кунда раҳбарият ва халқнинг сая-ҳаракатлари туфайли эришилган тинчлик-

севарликни, изчил тараққиёт ҳамда барқарорликни намойиш этаётди.

Маълумки, жорий йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган. Ишончим комилки, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлодга боғлиқдир. Шу боис болалар соғлом ва ўқимшли бўлиб ўсишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериш зарур, деб ҳисоблайман. Мен республикангизда бу йўналишда қабул қилинаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайман.

«Жаҳон» АА. Лондон

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми

6,9 фоиз ўсди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни техник янгилаш жараёнларини янада жаддалаштириш, унинг тармоқларига замонавий технологияларни жорий этиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, деҳқон ва фермерлар фаолиятини хар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаётган изчил чора-тадбирлар барча экинлар, айниқса, ғалладан рекорд даражада ҳосил олиш имконини берди.

Тест билимдонларни аниқлайди

Жорий йилда талаба бўлишни мақсад қилганлардан бир ўринга ўртача 9,4 та ҳужжат қабул қилинди.

Юртимизда 1 август санасини абитуриентлар, уларнинг она-оналари, яқинлари ўзгача ҳаяжон билан кутади. Чунки шу кунини бўлиб ўтадиган тест имтиҳонлари ёшларимизнинг билим ва салоҳиятини синовдан ўтказиши.

Албатта, истиқлол имкониятларидан фойдаланган шижоатли йигит-қизларнинг илм ўрганишига бўлган интилиш ҳамда иштиёқига ҳар қанча ҳавас қилсақ арзийди. Зеро, муқталилик йилларида Президентимиз раҳнамолиғида ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган юксак эътибор бугун жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳақи равишда эътироф этилмоқда. Йигит-қизларимиз нуфузли

фан олимпиадалари ва танловлардан муваффақиятли қатнашиб, глобаликни қўлга киритишга эга тизимдаги ислохотлар самарасидан далолат беради.

— Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини тест тизимига ўтказиш орқали синовларнинг адолат тамойиллари асосида ўтказилишига эришилди, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест мар-

кази директори Жаҳонгир Исмоилов. — Бу йилги тест синовларини сифатли ташкил этиш учун жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан, барча тегишли фанлардан тест топшириқлари тузилди ва юқори малакали мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди. Йўналишлар бўйича саволлар китоби чоп этилиб, хар бир олий таълим муассасасидаги гуруҳлар сонига ва тест топшириш тилига мос ҳолда тест материаллари шакллантирилди.

(Давоми 3-бетда).

АБИТУРИЕНТ — 2014

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Аслида, ғўза дехқоннинг меҳридан яшнайди, унинг кечани — кеча, кундузи — кундуз демай қилган фидокорона меҳнати туфайли ясашиб, баракали ҳосил тўплайди. Бу жараёнда экинни обитобда суғориш муҳим аҳамиятга эга. Ғўза тунда суғорилса, айниқса, яхши самара беради. Сабаби, обихаёт бўлганма, ғўза қониб сув ичди. Аммо суғоришда қўллатиб ҳам, чўллатиб ҳам бўлмайди. Мабодо, чанқатиб қўйилса, ғўза гул ташлайди ва ҳосил салмоғига путур етади. Борди-ю, қўллатиб суғорилса, ғўза ранги сарғайди, бўйига зўр бериб, говлаб кетади. Бундай майдонларда дарҳол эгнатларни тобга келтириш, маҳаллий ўғит билан култивациялаш ҳамда суспензиялаш ҳисобига ғўза ривожини бир маромда тутиш чораларини кўриш талаб этилади. Суғорилган, лекин ўғит-ўғитдан чанқаш ҳолига келган пайкаллар аниқлиниб, ўша ўқариқнинг ўзига сув олиб бориш йўли билан ғўзани қондириш лозим. Демак, ғўзани маромда суғоришда ҳам ҳикмат кўп. Халқимиз “Асад суви — асал суви” деб беҳиз айтмаган-да!

Қолаверса, тажрибали бободехқонларимиз август ойида битта кўсақ бир экиннинг сувини ичади, дейишади. Шунини инобатга олган ҳолда ғўзаларни ҳосил тўплаш-пишиш даврида гектарига 1200-1300 м³ сув билан суғориш тавсия этилади. Бунда суғоришни ҳар бир дала-нинг, керак бўлса, ҳар бир ғўза қаторининг ва тупнинг ҳолатини инобатга олган ҳолда қатор оралатиб ёки яқка қаторлатиб ташкил этиш яхши самара беради. Агар суғориш “шарбат” усулида бажарилса, янада яхши. Бу жараёнда маҳаллий ўғит ғўзага озик бериш билан бирга, мулча ва вазифасини ўтгади: сув булғанишини камайтириди, тупроққа сингишини яхшилайди, намни узоқ вақт сақлайди.

Бу ойдаги ғўза парваришида култивациянинг ҳам аҳамияти беқийсдир. Қатор ораларининг юмшатилиши тупроқдаги ҳаво алмашувини яхшилаб, унда ҳосил ривожини учун қўлай микроклимни вужудга келтиради. Натижада кўсақлар

етилиб, вази ортади. Жорий мавсумдаги шароит инобатга олиниб, август ойида ғўза қатор ораларини ғўза майдонларининг талабидан келиб чиқиб, яна 1-2 марта юмшатиш тавсия қилинади. Мазкур агротадбирнинг бажарилиши жараёнда култиваторларнинг ишчи қисмлари “балиқ сирти” қилиб ўрналиб, тезлиги шундай танланиши керакки, техника раво ҳаракатлансин. Ана шунда ҳосил шохлари ва кўсақларга зарар етмайди.

Август ойи кириши билан ҳарорат нисбатан пасайиб, тунлари салқин тушиши кўсақ курти, ўргимчаккана каби зараркундаларнинг кўпайишига қўлай шароитни юзага келтиришини инобатга олган ҳолда, ҳосил кушандаларига қарши курашишни асло бўшаширмастик зарур. Бунда биологик усул қўлланилиб, далаларга кераклик миқдорда олтинкуз, трихогарма ва бракон каби фойдали ҳашаротлар чиқарилиши мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, ғўза парваришида суғориш, култивациялаш ва чилпиш, бегона ўтлардан тозалаш каби агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказиш орқали баракали хирмонга мустаҳкам замин яратилади. Шундай экан, ҳар бир фермер, барча қишлоқ ҳўжалиги ходимлари ўз дала шароити ва ғўза ривожини ҳолатини инобатга олган ҳолда, август ойи учун муҳим бўлган вазибаларни бугун аниқ белгилла олишлари зарур. Зотан, **“Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиған давр”** бўлиб, унинг ҳар дами ганиматдир. Буни яхши англаган миришкор дехқон ва фермерлар ой давомида фидоийлик намунасини кўрсатиб, кўсақлар ёнига яна 5-6 тадан бўлиқ кўсақ қўшишса, муродимиз ҳосил бўлув эди. Бу юрти-ни пахта хирмони янада юксак бўлишига мустаҳкам замин яратади, албатта.

Озод МАТЯКУБОВ,
Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири
Пахтачилик ва техник экинларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
Ўринбосари, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди.

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган 150 дан ортиқ ҳужжат ҳамкорлигининг барча йўналишларини қамраб олган.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи муттасил ўсиб бораётир. Бу борадаги кўрсаткич 2013 йилда қарий 355 мил-

лион АҚШ долларини, жорий йилнинг биринчи ярмида 145 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистондан Туркманистонга минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, поллиз маҳсулотлари, электр ва механик ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металллардан ишланган буюмлар экспорт қилинади, турли соҳаларда хизмат кўрсатилади. Туркманистондан юртимизга пропилен полимерлари, сульфат кислота ва бошқа товарлар келтирилади.

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тадбирда икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари муҳим аҳамият касб этиши, бу соҳадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг автомобил ҳафтада темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат икки мамлакат, балки бошқа учинчи давлатлар учун ҳам қўлай транзит мажмуи вазибаларини ўтамоқда. Мамлакатларимиз халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида катта тажрибага эга. 2009 йилнинг декабрь ойида ишга тушган Турк-

келадиган уруғлик чигит ва дон навларини яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан вакиллари нефть кимёси соҳаси бўйича ўзаро ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқда.

Мадааний-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари Ўзбекистонда ва Туркманистонда ўтказилган турли фестивал ва кўриқлар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда.

Мажлисда икки давлат раҳбарларининг урашувлари чоғида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу мамлакатларимиз таррақийётига хизмат қилаётгани кайд этилди. Туркманистонлик ишбилармонларга “Навоий” ва “Ангрэн” ва “Жиззах” иқтисодий зоналаридаги имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Ўзбекистон Туркманистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидандир, — деди Туркманистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири, комиссия ҳамраиси Баяр Абеев. — Ўзаро ишонч ва манфаатдор-

лик, яхши қўшничилик тамоийлларига асосланган ҳамкорлигимиз барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани бизни гоят қувонтиради. Ўзбекистон — Туркманистон кўшма комиссияси мажлислари ўзаро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва мадааний алоқаларни янада ривожлантиришга, ҳамкорлигининг янги имкониятларини кашф этиш ва бизнес борасида

тажриба алмашшига хизмат қилмоқда.

Кўшма комиссия иштирокчилари Ўзбекистон ва Туркманистон ўзаро савдо ва сармоё ҳажмини ошириш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг қўшни мамлакат бозоридидаги ўрни янада кенгайтириш учун барча имкониятларга эга эканини таъкидлади. Бундай тадбирларни ташкил этиш орқали турли соҳаларда иш юритувчи ишбилармон ва мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини бундан-да мустаҳкамлаш ана шу мақсадга хизмат қилиши кайд этилди.

Анжуманда савдо-иқтисодий, сармоёвий, илмий-техникавий ва мадааний ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро манфаатли кўшма лойиҳаларни амалга ошириш, кўшма корхоналар, фирма ва компаниялар ва коллатхоналари сонини кўпайтиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Энергетика, нефть-газ, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Пойтахтимизда Ҳакамлик судлари ассоциацияси томонидан Германия Федератив Республикасининг Фридрих Эберт номидаги халқаро фонди билан ҳамкорликда “Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида низоларни ҳакамлик судларида ҳал қилишнинг ўрни ва аҳамияти: миллий амалиёт ва халқаро тажриба” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

SEMINAR

Унда германиялик эксперт ва судьялар, парламентимиз аъзолари, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси вакиллари, ҳакамлик судлари судьялари, ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, ис-тиқлол йилларида мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида, шу жумладан, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилиб, улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бунини суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданияти ошиб бориши билан низоларни давлат судларидан ташқари, бундан-да суд институти сифатида тан олинган арбитраж тартибиде ҳал этиш тизими йўлга қўйилди. Бу борада Президентимизнинг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда шу ҳужжат асосида қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси тизимида 155 та ҳакамлик суди ва битта халқаро тижорат арбитраж суди самарали фаолият юритмоқда. Улар томонидан 2010 йилда жами 16,6 миллиард сўмлик 2100 та даъво аризаси кўриб чиқилган бўлса, ўтган йилда 97,5 миллиард сўмликдан ортиқ 6652 та даъво аризаси қўрилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 198,2 миллиард сўмлик 3520 та ариза ҳал қилинган.

Тизим фаолияти салмоқли бўлишида фуқаролар ва юридик шахсларга консалтинг ҳамда медиация хизматлари кўрсатиш мақсадида 2010 йил 9 июлда ташкил этилган “Консалтинг ва медиация” шўъба кор-

хонасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мазкур корхона мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги ҳўжалик юри-тувчи субъектларга, жисмоний шахсларга малакали консалтинг хизматлари кўрсатиб, низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш учун шароит яратиб бормоқда.

Илмий-амалий семинарда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳамда хориждаги турли йирик ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва бунинг самаралари хусусида ҳам сўз юритилди. Ҳозирги пайтда бир қатор давлат судлари арбитраж судлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар имзоланган. Айни чоғда эса Финляндия, Швеция ва Германия давлатлари арбитраж институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиб бўйича музокаралар олиб боришмоқда.

— Ўзбекистон ва Германия суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва узвийлиги билан бир-бирига ўшаб кетар экан, — дейди Германия Федератив Республикаси Саксония Федерал ерининг Олий маъмурий суди раиси ўринбосари, доктор Вульф Фридрих Рёвер. — Гап шундаки, бизда суд-ҳуқуқ ислохотлари бошланганига кўп йиллар бўлди, шунга қарамай, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистонда ҳам шунинг гувоҳи бўлдим. Юртингизда суд-ҳуқуқ ислохотлари жадал олиб борилаётган экан.

Илмий-амалий семинарда ҳакамлик судлари судьялари, ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳакамлик муҳокамасини тарғиб қилиш, хорижий давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ҳамда бошқа бир қатор масалалар таҳлил қилиниб, шулар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Қисқа сатрларда

● Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилояти маҳалла ва таълим муассасалари, ташкилот ва корхоналарида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатини сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

● “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари ётақчилари ўртасида ўтказилган “Энг намунали бошланғич ташкилот” республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди. Унда танловнинг умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежлари йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди.

● Гулистонда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Анжуманда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, сунъий бюрократик тўсиқларни бартараф этишга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди, тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

● Наманганда “Ҳарбий хизмат — мардлик, жа-сорат, чинкиши ва то-ланиш мактаби” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади



Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар.

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“Антекс элит”, “Mars invest-tekst”, “Роял силк”, “Харир тола” масъулияти чекланган жамиятлари, “Алёр-текст”, “Инвестекст”, “Мархамат текстил”, “Дельта текс” кўшма корхоналари ана шулар жумласидан.

Яна бир қувонарли жиҳати, бугунги кунда Андижонда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари АҚШ, Хитой, Россия, Англия, Лихтенштейн, Туркия, Беларусь Республикаси каби мамлакатларга, шунингдек, Болтиқбўйи давлатларига пешма-пеш экспорт қилинаётир. Бунда Хўжаобод туманидаги тадбиркорлик субъектларининг ҳам ҳиссаси катта. Масалан, ташқи бозорга биринчилардан бўлиб йўл очган “Барчиной” хусусий корхонаси ҳозир салоҳиятли инвесторга айланиб бормоқда. Унинг маблаглари эвазига Хўжаобод шаҳрида иккита замонавий ишлаб чиқариш тармоғи барпо этилди. Хўжаободлик яна бир тадбиркор Исроилжон Ураимов эса Улуғнор туманида “Улуғнор инвест” корхонасига асос солиб, чўл ҳудудда илк бор экспортчи корхонани ишга туширди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Албатта, арзон ва сифатли хом ашё, илғор дастгоҳлар, малакали мутахассислар — саноат корхоналари ривожини таъминловчи муҳим омиллардир. Шу боис Андижон вилоятида тайёр енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизациялаш ҳудудий дастури ижросини таъминлашда мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Чунончи, ушбу дастурга мувофиқ, жорий йилда вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида қўшимча қувватларни ишга тушириш режалаштирилган. Бу эса яқин истиқболда ҳудуд иқтисодий салоҳияти янада юксалишидан далолат беради.

Саидхўмад ШУКУРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР

экологик барқарорликнинг муҳим омили

Биологик хилма-хиллик ҳар бир давлатнинг миллий бойлиги саналади. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб флора ва фауна олами, унинг ранг-баранглигини асраб-авайлаш, келажак авлод вакилларига тўла-тўқис етказишга устувор аҳамият қаратилаётир. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, улар давр талаблари асосида такомиллаштирилмоқда, ижро механизмлари мустаҳкамланаётти.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоя ҳамда тақлифлар асосида “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши бу борада янги босқични бошлаб берди. Зеро, унга мувофиқ, экологик назорат соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди. Бу эса давлат ва жамиятнинг атроф-муҳитни муҳофазалаш соҳасидаги масъулиятини янада оширишга йўналтирилгандир. Шуларга уйғун тарзда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофазаси қўмитаси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан тегишли ҳуқуқий базани маромига етказиш, уларнинг бажарилиши устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш, мазкур масалага жа-

моатчиликни жалб этиш, уларни ҳал қилишда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича ташуунтириш-тарғибот тадбирларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётти.

Маълумки, республикамизда табии тўрмонлари, яйловлари, сув ҳавзалари, тўқайзорлари, чўллари, дехқончилик қилинадиган ер майдонлари — агроценозлари, аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳар экотизимлари билан ўзига хос. Улар ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси тур таркиби ва аҳамияти билан ажралиб туради. Муҳофазаси этиладиган табиий ҳудудлар эса ноёб, камсонли, йўқолиб кетиш арасида турган тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишда алоҳида аҳамиятга эга. Бунда тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида “Муҳофазаси этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқ-

да. Яқинда қўмитамиз ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи мазкур Қонуннинг Бухоро, Жиззах ва Тошкент вилоятларида ижро этилишини назорат-таҳлил тартибиде ўрганди. Ўтказилган тадбирда унинг натижалари Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик ва ҳузуридаги Ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси мутахассислари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар, Адлия вазирлиги, Фанлар академияси ходимлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати фаоллари, тегишли маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари мутасаддилари иштирокида муҳокама этилди.

Айтиш лозимки, Бухоро, Жиззах ва Тошкент вилоятларида ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг бажарилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, Тошкент вилоятидаги “Чотқол” давлат биосфера қўриқхонаси, “Угом — Чотқол” давлат миллий табии объектлари ҳамда Жиззах вилоятидаги “Зомин” давлат қўриқхонаси, “Нурота” давлат қўриқхонаси ва “Зомин” миллий боғи бошқармалари томонидан муҳофазаси этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри белгиланган шакллар бўйича юриктилиши таъминланган. Айни пайтда Бухоро вилояти ҳудуди-

даги мавжуд муҳофазаси этиладиган табиий ҳудудларда давлат кадастрини юритиш ишларини янада такомиллаштириш лозим. Шулар қаторида Тошкент вилоятидаги “Чотқол” давлат биосфера қўриқхонаси ҳамда Жиззах вилоятидаги “Зомин” давлат қўриқхонасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ўрганиш, уларни ҳисобга олиш борасида илмий тадқиқотлар ўтказилиб, атроф табиий муҳит мониторингини юритилиши борасида қатор ишлар амалга оширилган. Бу ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан батафсил ахборот берилди.

Бундан ташқари, назорат-таҳлил тадбири давомида Қонуннинг 28-моддаси ижроси кўриб чиқилди. Яъни ҳудудларда давлат табиат ёдгорликларини муҳофазаси қилиш, табиат ёдгорликларини ободонлаштириш ва асраш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги табиий комплекслар ва тарихий-маданий мерос объектлари сақланишини таъминлаш бўйича “Угом — Чотқол” давлат миллий табии объектлари ва “Олтин мерос” халқаро хайрия жағмармаси ҳудудий бошқармаси томонидан қўшма лойиҳа имзоланиб, вилоят ҳокимлиги

томонидан тасдиқланган. Бухоро вилоятида давлат табиат ёдгорликлари, шу жумладан, айрим ўсимликларни сақлаб қолиш диққат-эътиборда бўлиб келаётти. Чунончи, ҳудудда ёши 100 ва ундан ошган ёввойи ҳамда табиий ҳолда ўсувчи дарактларни давлат томонидан муҳофазаси олиш мақсадида уларни рўйхатдан ўтказиб, давлат табиат ёдгорлиги макомини бериш бўйича ишлар амалга оширилган. Қолаверса, ҳам Жиззах вилоятининг “Зомин” давлат қўриқхонаси ҳудудидаги Қирққиз, Куёвтош, Бурама арча табиат ёдгорликларига ҳам расмий маком бериш лозим.

Мутхасар айтганда, ҳар бир тирик организм табиатнинг тарихан бетакрор, генетик жиҳатдан ягона, ўзига хос аҳамиятга эга бўлагидир. Биохимла-хиллик объектлари инсон ҳаётида қандай аҳамиятга эга эканлигиндан қатъи назар, табиий жомалар мувозанати ва умуман, табиий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шундай экан, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижросини таъминлаш, мавжуд қонунларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, жамоатчиликнинг атроф-муҳитни муҳофазаси қилишдаги иштирокини кенгайтириш тирик организмлар ва ландшафтлар ранг-баранглигини асраб-авайлашнинг муҳим шартидир.

Саиджар ЖАҚАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзоси.



Тест билмидонларни аниқлайди

(Давоми. Бошланги 1-бетда).

Хабарингиз бор, Президентимизнинг шу йил 26 июнда қабул қилинган "2014/2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига биноан, янги ўқув йилида бакалавр таълими йўналишига 57 минг 907 нафар талаба қабули белгиланган бўлса, шундан 19 минг 120 нафари давлат гранти, 38 минг 787 нафари тўлов-контракт асосида ўқиш имконига эга бўлади. Шунингдек, махсус сиртки бўлимларга умумий қабул квотаси 115 тани ташкил этади.

Жорий йилда олий ўқув юрларининг кундузги ва махсус сиртки бўлимларига тушган жами аризалар сони 543 мингдан зиёд бўлиб, бир ўринга ўртача танлов 9,4 тани ташкил қилди. Агар ўтган йиллар билан таққосласак, бултўр 480 минг 407 нафар абитуриент хужжат топшириб, республика бўйича ўртача танлов 8,5 тани ташкил этган эди. 2012 йилда эса тушган аризалар сони 432 минг 017 та бўлиб, ўртача танлов 7,6 тага етганди.

Шу ўринда олий ўқув юрти қабул квотасига нисбатан энг кўп абитуриент хужжат топширган таълим муассасалари ҳақида ҳам айтиб ўтасак. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси Фаргона филиалида танлов 20,7 (135 ўринга 2804 та хужжат), Қарши давлат университетиди — 16,6 (1245 ўринга 20656 та хужжат), Термиз давлат университетида — 16,3 (1690 ўринга 27552 та хужжат), Гулистон давлат университетида — 15,4 (945 ўринга 14539 та хужжат), Андижон тиббиёт институтида — 15,3 (400 ўринга 6105 та хужжат)ни ташкил этди.

Энг кўп хужжат тушган йўналишлар тахлил қилинганда эса ўтган йиллардаги каби жорий ўқув йилида ҳам "Меҳнат таълими", "Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш", "Мақтабгача

таълим", "Педагогика ва психология", "Психология (фаолият турлари бўйича)", "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)", "География", "География ўқитиш методикаси", "Биология", "Биология ўқитиш методикаси", "Дефектология", "Тупроқшунослик", "Тарих", "Архившунослик", "Миллий гоа, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими" каби йўналишлар юқори погоналарни банд этди. Масалан, "Меҳнат таълими" йўналишида бир ўринга Тошкент давлат педагогика университетида 47 нафар, Фаргона давлат университетида 37 нафар, Андижон давлат университетида 31 нафар, Қарши давлат университетида 23 нафар абитуриент хужжат топширган. Шунингдек, "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)" йўналиши бўйича танлов Гулистон давлат университетида 32, Термиз давлат университетида 30 тани ташкил этди.

Шу ўринда жорий йилда янги очилган йўналишлар ҳақида ҳам айтиб ўтасак. Хусусан, Тошкент архитектура-курулиш институтида 2014/2015 ўқув йилида янги очилган "Қиймат инжиниринги" йўналиши бўйича қабул режасида белгиланган 45 ўринга жами 237 нафар абитуриент хужжат топширди. Шунингдек, Тошкент давлат аграр университетида "Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси" йўналиши бўйича қабул режасидаги 20 ўринга 178 нафар абитуриент хужжат топширган бўлиб, танлов бир ўринга 9 тага етди.

Кўриб турганимиздек, бу йилги тест синовлари ёшларимизнинг билим ва заковатини адолатли танловда белгилаб беради. Шундай экан, эзгу ниятни дилга туқан ёшларимизга мустақил ҳаёт оstonасидаги муҳим синовда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ эзиб олди.

Маҳсулот намуналари хорижга юборилди

Бойсун туманилик тадбиркорлар Шўхрат ва Давлат Истатовлар фойдаланилмай ётган бинони таъмирлаб, "Богишамолтекс" хусусий корхонасини ташкил этди.

ИЗЛАНИШ

Айни пайтда 100 миллион сўмлик маблағ эвазига жиҳозланган кичик бизнес субъектида 15 нафар хотин-қиз турли кийим-кечак ҳамда спорт либослари тикшимоқда. — Ҳозир вилотиимиздаги кўплаб спорт мактабларига 15 турдаги либослар етказиб бераёلمиз, — дейди тадбиркор Шўхрат Истатов. — Эътиборлиси, хорижлик ҳамкорларимиз 14 маҳсулотларимизнинг намуналарини юборди. Ҳадемай, ташқи бозорга ҳам чиқамиз.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Бугунги соғлом рақобат муҳитида талаб ва таклиф уйғунлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчи таклиф қилаётган маҳсулотнинг сифати юқори, нархи турдошларига нисбатан арзон бўлсагина, у харидорлар эътиборига тушади. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда ишбилармонларимиз томонидан sanoat тармоқларини энг илғор ва тежамкор технологиялар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЭЪТИБОР

Пировардида самарадорлиги паст ускуна ҳамда дастохлар ўрнини замонавий ишлаб чиқариш қувватлари эгаллапти. Табиийки, бундай ислохотлар самараси ички бозорнинг рақобатбардод маҳсулотлар билан тўлиб, худудларнинг экспорт салоҳияти ошаётгани, янги-янги иш ўринлари ташкил этила-



ётганида ҳам кўзга яққол ташланади.

Нурота туманидаги "Мел маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ўз бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришда илғор технологиялар ҳаридига алоҳида эътибор қаратишди. Бундай оқилона йўл "Ўзмилийбанк"нинг Навоий вилоти бўлими мутасаддиларига маъқул тушди.

Натижада кичик бизнес субъектига молия муассасаси томонидан **300** миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳамда лойиҳа ташаббускорларнинг 100 миллион сўмлик сармояси ҳисобига хориждан дастгоҳ ва жиҳозлар келтириб ўрнатилди.

Пировардида жамоа аъзолари сони 14 нафарга етиб, улар томонидан қурилиш жараёнида кенг қўлланиладиган бўр, гипс ҳамда шпаклёвка каби хом ашёлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Муҳими, қисқа муддатда қурилиш корхоналари ва яқка тартибда уй-жой қурувчиларга 108,8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Маълумки, sanoat тармоқлари ривожини сармомасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода, молия муассасалари маҳаллий ишбилармонларимизни қўллаб-қувватлаш жараёнида фаол иштирок этаётгани қувонarliдир. Жумладан, "Ўзмилийбанк"нинг Навоий вилоти бўлими томонидан жорий йил биринчи ярмида мазкур мақсадлар рўёби

уш 45,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Эътиборли жиҳати, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп бўлиб, олти ой давомида 516 кишининг бандлигини таъминлаш имконини берди.

— Тадбиркорликка қўл ураётган ёшлар, айниқса, коллеж битирувчилари бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди "Ўзмилийбанк" Навоий бўлими кредит портфелини бошқариш ва инвестицион лойиҳаларни текшириш бўлими бошлиғи Хуршид Муртазоев. — Чунончи, ушбу йўналишга 21 миллиард 792 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиши натижасида 200 нафар коллеж битирувчиси тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун бошлангич сармомяга эга бўлдилар. Йил охирига қадар бундай ишлар қўламини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Ана шу жараёнда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчилари тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Азамат ЗАРИПОВ. Муаллиф олган сурат.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА
"Евроньюс" телеканалнинг хабар беришича, Хиндистонда бошланган ёмғирлар мавсуми бир қатор кўчкларни келтириб чиқарган.

Табиий офат талафотлари

Сурункали ёмғирчиликлар оқибатида мамлакатнинг Махараштра штатидаги битта қишлоқ бутунлай йўқ бўлиб кетган. Бу ерда истиқомат қилувчи ўн етти киши ҳаётдан кўз юмган. 160 нафар одамнинг тақдирини беғинам қилди.

Худди шунга ўхшаш табиат инжиқликлари Европанинг бир қатор давлатларида ҳам кузатишмоқда. Масалан, Руминияда ёққан кучли жала сув тошқинларини келтириб чиқарди. Оқибатда мамлакатнинг жануби-ғарбидаги бир неча аҳоли яшаш манзилларини сув босди. Саксонга яқин бинога жиддий зарар етди, ўн икки мингта уй электрисиз қолди. Икки киши ҳаётдан кўз юмган. Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эвакуация тадбирлари олиб борилмоқда.

Хорватия ва Бельгиянинг ҳам айрим худудларида кучли ёмғирчиликлар туфайли тошқинлар эси бериб, кўчклар содир бўлган.

Кутилганидан бир фоиз кўп

Жорий йилнинг иккинчи чорагида АҚШ иқтисодийотида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Апрель — июнь ойларида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тўрт фоиз ўсган. Бу тахлилчилар қилган баҳоратдан бир фоиз кўпдир. Ноқулай об-ҳаво шароити ҳамда биринчи чорагадиги пасайишга қарамай, иқтисодийотда кузатишган бу юқори ўсиш сурьатини экспертлар ижобий баҳолашди. Уларнинг фикрича, бундай натижалар йиллик



кўрсаткичнинг яхшиланishiга таъсир кўрсатади. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи АҚШда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 2,1 фоизни ташкил қилганди.

Фаолиятида жонланиш

Ирландиянинг "Allied Irish Banks" банки ўтган олти ойда 437 миллион евро миқдорида даромад кўрди.

Молия муассасаси бунга ишонсиз кредитлар ҳажмини қисқартириш эвазига эришган. Тахлилчилар молиявий таназзул туфайли ночор аҳволга тушиб қолган мазкур банка давлат томонидан берилган 20 миллиард евро миқдоридаги иқтисодий ёрдам ҳам унинг фаолияти жонланишида муҳим аҳамият касб этганини билдиришди. Энди ҳукумат ўша сармомя орқали ўзи эгаллик қилган активларини яна "Allied Irish Banks"га қайтариши мумкинлиги айтилмоқда.

Мазкур молия муассасаси 2013 йилнинг биринчи ярмини 838 миллион евро миқдоридаги зарар билан яқунлаган.

Шаҳар рамзи сотилади

Буюк Британиядаги Лондон шаҳри рамзи, машҳур "Gherkin" ("Бодринг") осмонўпар биноси яна сотувга қўйилди.

Қирқ бир қаватли ушбу иморат меъмор Норман Фостер томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, у 2004 йилда Швейцариянинг "Swiss Re" суғурта компанияси учун қуриб берилган эди. Орадан икки йил ўтгач, бино маҳаллий "Evans Randall" банки ҳамда Германиянинг кўчмас мулк бизнеси билан шуғулланувчи "IVG Immobilien" компанияси томонидан сотиб олинган. Энди унга хорижлик инвесторлар 820 миллион евро таклиф этишмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

HALQ BANKI
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
ЛАҲЗАЛИ ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Танлов шартлари бўйича батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 100096, Тошкент шаҳри, Катортон кўчаси, 46-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ Банки. Телефон: (+99871) 278-85-52. Факс: (+99871) 150-12-91. E-mail: deposit@xb.uz
Танлов бўйича барча таклифлар юқорида кўрсатилган манзил бўйича Халқ банкига 2014 йил 20 августга қадар соат 18.00 дан кеч қолмаган ҳолда тақдим этилиши шарт.
Кўрсатилган муддатдан кейин таклифлар ва қўшимчалар қўриб чиқилмайди.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ ҚАШҚАДАРҒИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
1. Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Гузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан, давлат фойдасига мусодара қилинган, Китоб тумани, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси.
Бошлангич баҳоси — 206 800 000 сўм.
2. Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарғи вилоти судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Maxtel Construction» корхонасига тегишли, Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 14426,67 кв.м., қурилиш майдони 2365,32 кв.м. бўлган ёрдамчи хўжалик бинолари такроран қўйилмоқда.
Бошлангич баҳоси — 136 550 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 15 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 13 август кунини соат 18.00.
Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарғи вилоти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарғи филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлихона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
1. Аукцион савдосига Бухоро вилоти Ромитан тумани СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилоти судининг 2014 йил 22 майдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилоти, Ромитан тумани, Гази шаҳри худудида жойлашган, умумий майдони 1 000,0 кв.м. бўлган 1 қаватли ошхона биноси қўйилмоқда.
Бошлангич баҳоси — 218 133 465 сўм.
2. Аукцион савдосига Бухоро вилоти, Пешку тумани СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилоти судининг 2014 йил 22 майдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилоти, Ромитан тумани, «Шўрча» ҚФЙ, Хўжафарон қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3 000,0 кв.м., «Абдуманнон» х/фа қарашли 18-сонли АЕҚШ қўйилмоқда.
Бошлангич баҳоси — 455 300 217 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 3 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 29 август кунини соат 18.00.
Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилоти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.



ЎЗБЕКИСТОН — ИСТЕЪДОДЛАР ЮРТИ

Онажонимнинг айтишларича, болалигимдаёқ радио орқали мумтоз мусиқа янғаса, жим туриб эшитарканман. Бу муҳаббат мени санъатга етаклади. Ҳозир бир кун пианинода куй ижро этмасам, хотиржам туролмайман.

Успенский номидаги мусиқа ва санъат мактабида ўқиш жараёнида санъатга чандон боғланиб қолдим. Энди англаяманки, мусиқага ошно бўлиш — тақдир битиги экан. Бугун ҳаётимни куй-наво-сиз тасаввур этолмайман.

Киши ўз ишига чин дилдан меҳр қўйса, кўзлаган мақсадига, албатта, эришади. Мусиқа мактабидаги замонавий шарт-шароитлар, ўқитувчиларимизнинг жонкуярлиги, энг муҳими, Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги орзуларимизга қанот бағишлаётди. Шунинг учун бўлса керак, аксарият тенгдошларим мамлакатимизда ҳамда хоризжда бўлиб ўтаётган халқаро кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишяпти.

Ҳозир Ўзбекистон давлат консерваторияси талабасиман. Моҳир устозларимиздан санъат сирларини ўрганиб келаямиз. Улар кўпинча тенгдошларимга қарата, “Сизлар аввали ёшларга ўхшайсизлар, мусиқа учун туғилгансизлар, мураккаб куйларни ҳам маромига етказиб ижро эта оласизлар”, деб кўнглимизни кўтардилар. Албатта, ютуқларимизнинг бош омил юртимизда ёш иқтидор эгаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидир.

Айниқса, чет мамлакатлардаги дастурларимиз давомида кўлаб муҳлисларнинг ҳавасу ҳайратига гувоҳ бўламиз. Улар бавзан “Эндигина 23 йиллик мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтаётган мамлакат ёшлари бундай марраларга қандай қилиб эришяпти?!” деб сўраб қолишади. Шунда биз гўрур билан бу муваффақиятларнинг барчаси юртимизда таълим тизимида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишларнинг меваси эканлигини таъкидлаймиз.

Зеро, Ўзбекистон — истеъдодлар юрти. Бу заминда камол топган ёшлар эса ҳеч кимдан кам бўлмайдилар!

Нодира **ДАДАМУҲАММЕДОВА**,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

Қишда ҳам фаолиятини тўхтатмайди

“Иймон-инсоф-барака” масъулияти чекланган жамияти савий-ҳаракати билан Гулистон шаҳрининг 4-кичик мавзесидagi бўш ётган жойда “Абдурахмон ота гузари” барпо этилди.

ОБОДЛИК

Этиборлиси, унинг ҳовлисидagi болалар ўйингоҳи қишда ҳам ўз фаолиятини тўхтатмайди.

Гап шундаки, ҳозир очик ҳаво остида ишлаб турган аттракционлар ўрнини совуқ кунлар бошлангач, ёпиқ йиғма мини-футбол

майдончаси эгаллайди. Эътироф этиш лозимки, мазкур ўйингоҳ энг сўнги русумдаги аттракционлари билан тез фурсатда отаналар ва болаларнинг сеvimли масканига айланди.

Аҳмадали **ШЕРНАЗАРОВ**,
«Халқ сўзи» мухбири.



**STANDARD&POOR'S
RATINGS SERVICES**

O'ZSANOATQURILISHBANK

«STANDARD&POOR'S»
Халқаро рейтинг агентлиги

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
акциядорлик тижорат банкининг

халқаро кредитга лаёқатлилик
рейтингларини

b/b+

даражасида

«**БАРҚАРОР**»

истиқболи билан қайта тасдиқлади.

2014 йил, 28 июль

Маданият хабарлари



ТАНЛОВ

“Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизими муассасалари буйича ташкил этилган босқичида эллик нафардан зиёд кўшиқчи қатнашди.

Она диёр тараннуми

Гарчи мавзу ягона бўлса-да, кўшиқлар ранг-баранглиги билан эътиборни тортиди. Хар бир чиқиш томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Хусусан, “Нихол” мукофоти соҳибаси Дилфуза Қобилова ижросида янграган “Ватан” кўшиги кўпчиликка манзур бўлди. Хайъат аъзолари ҳам айнан шу кўшиқ ижросисига биринчи ўринни беришга қарор қилди. Когонлик Саид Жафаров ҳамда қорақўллик Соҳиб Абдуллаевнинг Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи кўшиқлари ҳам совринли ўринларга муносиб, деб топилди. Эндилқда голиблар танловнинг якуний босқичида иштирок этишади.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги санъат галереяси

Навоий шаҳрида замонавий Санъат галереяси иш бошлади. Унинг очилишида санъатшунос-олимлар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда кейинги йилларда санъат ва маданиятни ривожлантириш, истеъдодли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Қурилишига 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган ушбу янги муассасада ёш санъатсеварлар учун барча имконият яратилган. Бу ерда навоийлик истеъдодли ижодкор ёшларнинг шахсий кўргазмаларини ташкил этиш режалаштирилган.

Шу кун “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!” деб номланган кўргазма ҳам бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган ушбу кўргазмада вилоятдаги моҳир расом, хунарманд ва кулолларнинг ижод намуналари намойиш қилинди.

А. ҒУЛОМОВ.

Нодир археологик кўргазма

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвонсаройида “Қаршовултепаннинг маданий мероси” номи археологик кўргазма очилди.

Кўргазмада Тошкент вилоятининг Чиноз тумани ҳудудида жойлашган Қаршовултепа ёдгорлик мажмуасида олимларимиз олиб борган археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар, хусусан, VI-VIII асрларга тегишли бўлган тангалар, турли безаклар, рўзгор анжомлари, сопол буюмлари намойиш этилмоқда.

Мазкур экспозицияга қўйилган нодир ашёлар — маҳорат билан ишлов берилган сопол ва металл буюмлари ҳудудларимизда азалдан хунармандлик, маданият ва маърифат кенг ривожланганидан, аждоқларимиз ўз хунари, илмий тафаккури билан жаҳон тамаддуни ривожига ҳисса қўшганлигидан дарак беради. Кўргазмага 60 дан ортиқ осорياتикалар қўйилган.

С. ЗАЙНУТДИНОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Infin BANK

«Moody's Investors Ltd.»
халқаро рейтинг агентлиги

2014 йил 23 июлда

«Invest Finance Bank»
хусусий очик акциядорлик
тижорат банки
рейтингини тасдиқлади.
Глобал шкала бўйича

B3/NP

Барча рейтинглар истиқболи
«**БАРҚАРОР**»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” ОАЖ Бошқаруви раиси — Бош директори Александр Касимович Фармоновга онаси
Раиса Ивановна ФАРМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати жамоаси Экоҳаракат Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Саидрасул Сангиновга онаси
МУАЗЗАМ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси жамоаси етакчи муҳандис
Алишер Пўлатович ЯКУББАЕВИНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

WESTMINSTER
INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT
An Accredited Institution of the University of Westminster (UK)

**UNIVERSITY OF
WESTMINSTER**

Тошкент халқаро Вестминстер университети

магистратура ўқув дастурларини тақдим этади:

Халқаро бизнес ва менежмент (MAIBM)

Халқаро тижорий ҳуқуқ (LLM)

Дастурлар танланган йўналиш бўйича халқаро олий таълим стандартларига мувофиқ малака ошириш, Лондондаги Вестминстер университети магистрлик дипломига эга бўлиш имкониятини беради. Ўқиш давомида талабалар университетнинг замонавий жиҳозланган ўқув-ресурс маркази, спорт комплекси ва бошқа ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қабул талаблари:

- бакалавр дипломи;
- камида 1 йиллик иш тажрибаси;
- IELTS (6.5) ёки TOEFL (92 IBT) сертификати;
- MAIBM учун 22 ёш, LLM учун 23 ёш ёки катта бўлиш;
- қабул комиссияси билан суҳбат.

Ариза топшириш муддатлари:

- кузги қабул — жорий йилнинг 30 августигача;
- киши қабул — жорий йилнинг 25 ноябригача.

Ўқиш давомийлиги —

24 ой (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда).

Магистрлик дастурларида таълим оломқчи бўлганлар аризани университетнинг advice@wiut.uz электрон почтасига ёки қуйидаги манзилга: **Тошкент ш., Истикбол к., 12-уй**га топширишларини сўраймиз. Ариза шаклини <http://www.wiut.uz/master> ёки <http://www.wiut.uz/llm> веб-саҳифалари орқали юклаб олиш мумкин.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: (+99871) 238-74-44, 238-74-00.

<http://www.wiut.uz/en/courses/postgraduate> www.westminster.ac.uk advice@wiut.uz

[WWW.XS.UZ](http://www.xs.uz)

Болгария: боксчимиз Бектемир Мелиқўзиев жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойда ўсмирлар ўртасида ташкил этиладиган II ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 869. 79 215 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ёшлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5